



Шарқий Туркистон турк ислом жумҳурияти



Миллий кучлар Хитойлар истибдодидан бирмунча минтакаларни озод қилиб, уларни маҳаллий асосга таяниб бошқара бошладди. Бу минтакаларнинг баъзиларида ҳатто ҳукумат ҳам йўқ эди. Миллий кучлар орасидаги келишмовчиликлар натижасида 1933 йили 16 апрелдан 28 августгача Қошғар ҳукумати тўрт марта ўзгарди. Генерал Темур ҳукумати генерал Ма томонидан, унинг ҳукумати эса генерал Усмон тарафидан, бу ҳукумат эса ўз навбатида Собит Домулло ҳукумати билан алмаштирилди.

Собит Домулло маҳаллий тарқок миллий ҳукуматларни «Шарқий Туркистон турк ислом жумҳурияти» остида бирлаштиришга ҳаракат қилди ва бунга муваффақ бўлди. 1933 йил 12 ноябрда «Шарқий Туркистон жумҳурияти» расман эълон қилинди ва миллий мажлиснинг қарори билан «Шарқий Туркистон ҳукумати» шакллантирилди. Хўжа Ниёз Хожи давлат раиси ва бош қўмондон, Абдулбоки Собит Домулло бош нозир бўлди. Булардан ташқари ҳукуматнинг яна 13 аъзоси бор эди (Кабинетнинг бошқа аъзолари: Мухаммад Қосим хожи - ташқи ишлар нозири; Зариф Қори - адолат нозири; Юнусбек Саидзода - ички ишлар нозири; Абдулла Эшонхўжа Хони - соғлиқ нозири; Султонбек Бахтиёрбек - судхона нозири; Абдукаримхон маҳдум - таълим-тарбия нозири; Али Охунбек - молия нозири; Сотикбек Инсонуддинзода - савдо нозири; Нурахмад - Хўтан амири; Абдуллох домуллох - алоқа нозири; Тохирбек - миллат мажлиси нозири; Сўфизода - миллат мажлиси қотиби. Hayit, Ost-Turkestan, Киёсланг: 341-6). Миллий мажлиснинг раиси ва қотиби ҳукуматнинг турли тadbирлари ҳақида қозғолдиқсиз хабардор бўлмоқ учун «қузатувчи» сифатида ҳукуматга аъзо эдилар. Миллий мажлис

сиёсий партиялардан эмас, балки мустакиллик жамияти аъзоларидан ташкил бўлган эди. Хукумат ичида партия манфаатлари доирасида эмас, балки маҳаллий манфаатларни кўзлаган ҳолда атрофида фикр юритиларди (Ўзма ва бошқа манбаларнинг нуқсонли бўлганлиги учун миллат мажлиси аъзоларининг ададини аниқлаш имконини топмадим.). Жумҳурият ҳукумати биринчи навбатда ўз мустакиллигини сақлаб қолишга эътиборни қаратди. Чунки бу ёш ҳукумат бир пайтда уч жабҳада жанг олиб боришга мажбур бўлди: биринчидан, хитойлар билан, иккинчидан, дунганлар билан, учинчидан руслар билан. Хитойлар ва руслар умуман бу ҳукуматни йўқ қилишга ҳаракат қилса, дунган йўлбошчиси Ма Синг Жин Шаркий Туркистонда ўзининг ҳарбий ҳукмронлигини таъминлашга интиларди. Ма Синг Шаркий Туркистонда 1933 йилга қадар турклар билан бирга хитойларга қарши зафарли кураш олиб борганди. Кейинги курашларда ҳамжихатлик қилишни қилишиб олиш учун 1933 йил 16 июнда Ма Синг билан Хўжа Ниёз хожи Хоми яқинидаги Мури қишлоғида учрашди. Ма ҳарбий ҳокимиятни ўз қўлига олишини ва Хўжа Ниёз фуқаро ишларига бошчилик қилишини талаб қилди. Хўжа Ниёз бу талабни рад этди. Бунга жавобан Манинг аскарлари Хўжа Ниёз аскарларини қуролсизлантirmокчи бўлди. Ма Хўжа Ниёз қучларини парчалаш билан ўз ҳокимиятини янада мустаҳкамламокчи бўлди. Бундай курашда очик ўзаро душманликдан қутулиб бўлмай қолди. Бу муаммони ҳал қилишда ҳатто иккаласи ҳам ислом дини вакили, мусулмон эканлиги ҳам ёрдам бермади. Шахсий шухратга интилиш душманликка олиб қолди. Ҳар иккаласи ўртасида жанг бошланди. Иккаласини ҳам душман деб билган хитойлар бу тақдир тухфасидан беҳад қувондилар. Қилишмовчилик хитой бош волиси Шенгга қатта бир имконият яратиб берди. 1933 йил 9 июнда Шенг билан Хўжа Ниёз ўртасида бир тинчлик битими тузилди. Битимга қўра Хўжа Ниёз бош воли вакили сифатида иш қўриб, Тангриот тизмалари хавза-си идорасини қабул қилди. Генерал Махмуд ҳарбий раҳбарликни ўз зиммасига олди. Урумчи шаҳри бундан кейин ҳам Шаркий Туркистоннинг бошқенти бўлиб қоладиган бўлди. Генерал Ма қучларига Урумчидан бошлаб зарба бериш бош воли вазифасига қирарди. Бу битим ҳам Шаркий Туркистон миллий қучларини ҳамда Мани газаблантirmди. Ма Хўжа Ниёз қисмларига қарши ҳужумни қучайтirmган. Хўжа Ниёз ҳамшаҳарларининг қўмағига таянди. Хўжа Ниёзни хитойлардан ўз тарафига оғдириш учун Хўтан ва Қошғарнинг маҳаллий миллий ҳукуматлари унга давлат раислигини таклиф қилиб, Шаркий Туркистон жумҳуриятини эълон қилишни шарт қилиб қўйди. Хўжа Ниёз Ма қисмларидан мағлубиятга учрай бошлагани ва миллий қучларнинг ҳужумидан қўрққани учун таклифни қабул қилди. Хўжа Ниёз 1933 йилнинг 10 сентябрида Шаркий Туркистонни жумҳурият деб эълон қилиши билан Хитой бош волиси билан иттифоқини узди. Шаркий Туркистон миллий ҳукумати Хўжа Ниёз билан Ма орасидаги эски душманликни Хўжа Ниёз давлат раислиги билан бирга мерос қилиб олишига тўғри қолди. Ма Шаркий Туркистонда ўзи яққа ҳоким бўлиб қолиши учун Хитой бош волиси ва Туркистон ҳукуматига қарши жанг олиб боришда давом этди. У Хўжа Ниёз қучларини улоқтириб ташлаб, 1933 йил сентябрда Урумчига ҳужум қилди. Руслар ўзлари ҳукмронлик қилаётган ўлкадан 12 000 манҷур аскарларини хитойларга ёрдамга юборди. Жангда мағлуб бўлган Манинг Урумчидан Турфонга чекинишдан бўлак қораси қолмади. 1934 йил 11 февралда Манинг Урумчига қилган иккинчи ҳамласи ҳам муваффақиятсизликка учради. Бу сафар Ма қучларига қарши рус учувчилари бошқарган уюмлар ишга қўлинган эди. 1934 йил ўрталарида Ма асир олинди ва 16 июлда Ўргаштомда хитойлар уни русларга топширди.

Шаркий Туркистондаги миллий курашларга карши чораларда Марказий Хитой ҳукуматининг етарлича ёрдам бермаслиги, унинг ўрнига Хитой ҳокимиятининг халоскори сифатида Шаркий Туркистонда русларнинг пайдо бўлиши анча кизикдир.

Хўжа Ниёз 1934 йил охирида Оксувдаги Кораюлгун кишлоғида бўлган жангда дунганлардан енгилди. Хўжа Ниёзнинг соғ қолган аскарлари 1934 йил 3 декабрда Кошгарга етиб келди. Бу ерда бироз вақт туриб, Янги, Хисор томон чекинган вақтда Ма Дўрхи Са кўмондонлиғида дунганлар Кошгарга юриб, 1934 йил декабрида шаҳарни ишғол қилдилар. Собит Домулла бошчилигидаги Шаркий Туркистон ҳукумати Янги Хисорга қочишга мажбур бўлди. Дунганлар Кошгарда 7000 кишини ҳаётидан жудо қилган бир катли оғир кечаси уюштирдилар.

Шаркий Туркистон жумхурияти ҳукумати бир томондан озод қилинган ўз ерларини жанг билан ҳимоя қилса, иккинчи томондан, жумхуриятни ўз ўқийиригига эга қилиб, уни мустаҳкамлашга интилди. «Мустақил жумхурият» 1933 йил 3 декабрда ўқийирик лойиҳасини нашр этди. 30 модда бу лойиҳанинг қуйидаги бўлимлари эътиборга лойиқдир: Ўқийирик асослари:

1. Шаркий Туркистон жумхурияти шариат асосларига суяниб, бизга саодат ва шариф келтирувчи Куръон таълимотларига кўра бошқарилади.
2. Шаркий Туркистон давлати жумхуриятчилик асосида тузилиб, миллатнинг равақи ва саодатига хизмат қилади. Давлат миллатни ташқаридан бўладиган таъжовузлардан қўриқлашга бурчлидир. У ислом динини, миллийликни, маданият ва иқтисодий масалаларни ҳимоя қилади. Миллат иродасини бажо келтириш ва давлат мустақиллигининг қафолатини таъминлаш учун Нанкиндаги (Хитой жумхурияти пойтахти - муаллиф) ҳукуматга ва мустақилликни ҳимоя қилиш тадбири сифатида Миллатлар ташкилотига мурожаат қилади.
Марказий идора.
3. Давлат идорасининг бошида шариат бўйича иш юритадиган давлат раиси (амирул мўминин) туради.
4. Давлат халқ билан маслаҳатлашадиган парламентга суяниб иш қўради, миллатнинг иродаси ва орзуси унинг халқ вакиллари орқали ифода этилади.
Нозирлар кенгаши.
5. а) Давлатни идора қилиш учун мўминларнинг раиси (амирул мўминин) бошчилигида пойтахтда нозирлар кенгаши ташкил этилади. Унинг бошида «бош нозир» туради. Нозирлар кенгаши аъзолари 9 нозирдан иборат: дин ва адолат, мудофаа, молия, ташқи ишлар, ички ишлар, савдо ва кишлок хўжалиги, саноат, таълим-тарбия, вақфлар ва соғлиқни сақлаш нозирликлари.
Бу 9 нозирлик иккига ажратилади. Биринчиси: мудофаа ва иқтисод гуруҳи бўлиб, унга мудофаа, ташқи ишлар, молия, савдо ва кишлок хўжалиги, саноат нозирликлари қиради. Бу гуруҳни нозирлар кенгаши ра-исининг биринчи ўринбосари бошқаради. Иккинчи гуруҳга ички ишлар, дин ва адолат, таълим-тарбия, вақф ва соғлиқни сақлаш каби маданий нозирликлар қиради, уни нозирлар кенгашининг раиси иккинчи ўринбосари бошқаради.
Давлат раисининг бурчлари.
6. б) Шаркий Туркистон Ислам жумхуриятининг давлат раиси ҳукуматни идора қилади ва

хукуматнинг улуг отаси хисобланади. У давлат раиси ва бош кўмондон сифатида диннинг, миллатнинг ва ватаннинг саодати, осойишталиги ва истикболи учун хизмат килади.

в) Давлат раиси миллат мажлисида 4 йилга сайланади. Факат ислом, ватан ва миллат озодлиги учун кахрамонларча жанг килиб, мустакилликимизни таъминлаган ҳозирги давлат раисимиз Хўжа Ниёз Ходим умри бўйи давлат раисимиздир ва унинг хислатларини бутун миллат ҳамда аскарларимиз тасдиқ килади.

г) Давлат раиси бош нозирини тайинлайди ва давлат идорасининг нозирлар кенгашини тасдиқлайди.

Изоҳ. Давлат раиси миллат мажлиси тўплангунича бош нозир ва нозирларни мажлис тасдиғи учун тавсия килади.

д) Нозирлар кенгаши қарорларини давлат раиси тасдиқлайди. Агар қарор рад қилинса, нозирлар кенгашига қайтадан кўриб чиқишни таклиф килади. Давлат раиси билан бош нозир ёки нозирлар кенгаши орасида қелишмовчилик юзага келган тақдирда бош нозир истеъфо бериши лозим. Давлат раиси эса янги нозирлар кенгаши тузади.

е) Шаркий Туркистонга юборилган элчилар, делегациялар ташки ишлар нозирини иштирокида давлат раиси томонидан қабул қилинади.

ж) Давлат раиси олий бош кўмондон сифатида Шаркий Туркистон кўшинига бош нозир ва мудофаа нозирини орқали буйруқ беради.

и) Давлат раиси Шаркий Туркистон ислом жумхурияти кенгаши ва музокаралар асосида ташкил топганлигидан нозирлар кенгаши қарорларини қабул қилиши ёки рад этишида кўпчиликнинг раъйига қараб иш тутиши лозим.

Бош нозир бурчлари.

7. Бош нозир барча нозирларнинг раисидир. Шунинг учун ҳам ҳамма нозирликларнинг масалалари билан 797 «Ҳожи» сўзи ҳажга бориб келганларга ҳурмат билан мурожаат қилишда ишлатилади. Хўжа Ниёз бор жойда Шаркий Туркистонда бошқа кимсага «ҳожим» деб мурожаат қилинмасди.

шугулланиш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга. У айнаи замонда нозирлар кенгашининг ҳам бошлиғидир. Бош нозир ҳафтада бир марта, ғавқулодда ҳолатлар бундан мустасно, нозирлар кенгаши ўтқизиши керак. Бу кенгашда ҳукуматнинг барча тадбирлари кўриб чиқилади ва қарорлар қабул қилинади. Булар эса «Нозирлар кенгаши қарорлари» номи билан миллат мажлисига ҳавола этилади. Қарорлар кўпчилик томонидан маъқулланса, у «қонун» тусини олади. Миллат мажлиси тўпланмаса, қарорлар подшога (Бу ўринда «давлат раиси» ва «қирол» тушунчаларини аралаштириб юбориш муайян мақсадга мувофиқ қилинган. Ҳозиргача ягона «давлатраис» ҳақида сўз кетмокда.) ҳавола қилинади. Нозирлар кенгаши қарорлари подшо ёки ҳукмдор тарафидан тасдиқланса, у «қонун» тусига қиради. Нозирлар кенгаши қарорлари «низономалар» деб номланади. Миллий идора шуъбаси.

8. Давлат ислом динининг асосий тамойилларига суянган ҳолда тузилиши учун дин ва адолат нозирлиғи ташкил қилинади. Адолат нозирини шайхулислом ҳуқуқига эга. Адолат нозирлиғи қошида бир муфти бошчилигида фатволар шуъбаси (бобўл фатаво) бўлади. Адолат нозирлиғи қози ва ҳукумат ўртасида воситачилик ролини ўйнайди. Минтака муфтилари сайланмайди. Адолат нозирини (айни пайтда шайхулислом) ва бош ҳоким (қозилар бошлиғи) маҳкамаларнинг раисларини тайинлайди. Адолат нозирини тафтиш йўли билан ҳокимлар ишини текширади. Қонунлар шариатга мос бўлишини назорат қилиш адолат нозирлиғи зиммасидадир. Адолат нозирининг вазифаларидан бири

хибсхоналардаги тартиб, маданий шароитга уйгун курилишларни назорат килиб боришдан ҳам иборатдир.

Мудофаа вазирининг вазифалари.

9. Мудофаа нозирининг вазифалари мамлакатни ташки душманлардан кўриклай оладиган даражадаги кўшинни ташкил килишдан иборатдир. Бунинг учун дастлаб харбий ўқув юрти очиш лозим. Бу ўқув юрти четдан чакирилган мутахассислар билан таъминланиши керак. Нозирлик кўшин учун зарур бўлган саноат корхоналари куришни бошлаши даркор. Бошка давлатларнинг харбий тайёргарликларини ва мақсадларини ўрганиш учун харбий кузатувчилар хозирланади. Шаркий Туркистон учун энг зарур вазифа ташкаридан харбий хайъат ташкил килишдир. Бу харбий хайъат пиёда, суворий, тўпчи, учок ва танк ихтисослиги ўқитувчиларидан бўлиши мақсадга мувофиқдир. Булардан ташкари кимёвий моддалар, мудофаа мутахассислари ва иншоотлари тайёргарлиги кўрилади(10-16-моддалари ташки ишлар, ички ишлар, вакф, молия, сав-до, дехкончилик, таълим-тарбия ва соғлик нозирликларининг вазифа ва мажбуриятларини таърифлайди. 17-19-моддалари вилоят, туман, шаҳар кишлокларни идора килишни таърифлайди. 30-модда бутун давлат микёсида янгича идора усулини эгаллаган ҳукумат назорат маъмурларининг мавқе ва кучлари ҳақида баҳс юритади. Ўқ-йўрик лойихасининг асл матни учун қаранг: УТ, 1934, 53-сон, 31-36 б.; 54-сон, 32 - 35 б.; 55-сон 29 - 32 бетлар.).

Хитой ҳукумати Шаркий Туркистон ҳукумати харбий кучларига қарши уруш килиш учун 1934 йил февраль ойида Урумчида Ғавқулодда қафолатга эга бўлган ва ички ишлар нозирлигига бўйсунган шошилинч комиссия тузди. Бу комиссия Шаркий Туркистон миллий озодлик ҳаракатини йўқ килиш учун шиддатли харбий операция уюштириши ва кўзголончилар раҳбарлари билан музокаралар олиб боришни мўлжаллар эди. Хитой ҳукумати Шаркий Туркистон Бош волисига ҳам ҳаракат килиш учун тўлиқ эркинлик берди. Хитой бош волиси Чин анчадан бери Шўро иттифоқи ҳукумати билан ҳамкорлик килиб келарди. Бош волининг вакили Чин Чи Сан (ташки ишлар масалалари бош-лиги) билан шўро вакили Славутский орасида 1931 йил 1 октябрда имзоланган савдо битимига мувофиқ шўролар Шаркий Туркистоннинг барча муҳим шаҳарларида савдо бюрolari очиш ва тижорат эркинлигидан фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритган эдилар. Бунга жавобан руслар бош волини харбий жихатдан кўллаш ваъдасини берганди. Шўро руслари харбий ёрдамини 1933 йилгача кечиктириб турди ва ундан кейин фаолиятини кенгайтириб юборди. 1933 йилда ўз ихтиёридаги 10000 манчжур аскарни Хитойга берди. Кейин эса 7000 шўро аскарини хитой харбий қийимида урушиш шарти билан жўнатди. Руслар 20 учок, 11 зирҳди арава, 30 танк ва 500 юк машиналари ҳам юборди. Бир шўро полки захира сифатида тақдим килинди. Хитой бош волиси билан шўро руслари орасидаги бу олди-бердидан Хитой ҳукумати беҳабар бўлган дейишади. Бош воли Чин русларга мутлак содик эди. Ўша вазиятда ҳокимият русларга содик бир шахсга берилиши ҳам керак эди. Бундай киши генерал Шенг Ши Цай бўлиб, у Шўро иттифоқи КП аъзоси, аммо Хитой КПсига аъзо эмасди. Шенг Ши Цай Шаркий Туркистонга ўрнашиб олган шўро қисмларининг ёрдамида 1933 йил 13 апрелда Чиннинг ўрнини эгаллаб, ўзини бош воли деб эълон килди. Хитой ҳукумати ҳам уни тасдиқлади. Руслар эса унинг орқасидан Шаркий Туркистонда ўз уйида юргандай юрди(Бой ўлка Шаркий Туркистонда шўро

сиёсати хакида қаранг: Li Chang, Modellfall Sinkiang, «Ost-probleb», 6-йил, 1954 й. 20-сон, 799 -807 б.). Факат Шенг Шўро иттифокидан ҳеч қандай ёрдам сўрамади. Шўро руслари бўлса, бу ердаги нуфузини яна ҳам мустаҳкамлаш учун аскар киритишни хоҳарди. 1933 йил охирларида Или ўлкасидаги Хитой ҳарбий қисмлари кўмондони Чанг Пей Юан Шенга қарши юриш қилди. Шенга қарши уч томондан (Шаркий туркистонликлар, дунганлар ва Чанг) таҳдид қилинди. У саросимага тушиб, шошилиш равишда руслардан мадад сўради. Генерал Погодин тез ҳарбий ёрдам ташкил қилди. 1934 йили Урумчига 7000 шўро аскарлари кириб келди. Шўро ҳарбий қучлари Чангнинг исёнини бостириб, айна пай-тда Или ўлкасини босиб олдилар. 1934 йилнинг бошларида «Олой кўнгиллилари» номи билан 3000 кишилик бир қисм Олой минтақасига киритилди. «Сиёсий бюро (СССР Сиёсий бюроси) ГПУ қисмларидан 2 полкка қизил кўшин қисмлари билан бирга йўлларни қузатиш ва Шаркий Туркистондаги кўзғолонни бостириш хақида кўрсатма берди. Қизил аскарлар бош воли Чин ва 1931 йили қайтадан ташкил қилинган полковник Паппенгут бошчилигидаги рус ҳарбий қочқорлари (1800 киши) билан ҳамкорлик қилди. Шундай қилиб, Шаркий Туркистон рақиб қучлар беллашадиган очик бир майдонга айланди. Шаркий Туркистон миллий ҳукумати зиммасига эса бир вақтда хитойлар, дунганлар ва руслар билан қураш олиб боришга тўғри келди. Бу вазиятда туркистонликларнинг қуролли кўзғолонга умид қилишининг ҳам иложи йўқ эди. Дунё матбуотида - Япония ва Англияда Туркистондаги кўзғолонни ёқлаган мақолалар эълон қилинди. Бу шўро ташвиқотининг айна мақсади эди. Япония ва Англия Туркистондаги вазиятни ўрганар, аммо фаол бир амалий сиёсат олиб бормасди. Япония 1931 йилдан бошлаб Шаркий Туркистонда олиб борилаётган сиёсат билан шугулланишга киришди, факат бу йўлда бирор бир амалий ҳаракат қилмади. Шўролар ҳам япон ҳукуматининг Абдуқарим исми билан усмонли туркни Шаркий Туркистон қироли қилиб тайинлаганлиги хақида овоза тарқатди. 1934 йили Япония ташқи ишлар нозирлиги бу миш-мишлар ёлғонлиги хақида баёнот берди. Шунга қарамай, Япония ташқи сиёсати «Мустақил Шаркий Туркистон давлати» ташкил топишининг тарафдори эди(1934 йил 4 апрелда «Le Temps» УТ, 1934, 53-сон 38-бетда, 82-б., Otte, Mohammedaner bewegung, 2 зикрни айтади.). Иккинчи томондан, японлар 1934 йилдан бери Шаркий Туркистонда ўз жосуслари воситасида шўро русларига қарши иш олиб бормокда эди(Lattemore, pivot of Asia, 212-б. Шаркий Туркистондаги япон жосусларининг исм-шарифлари «...» да баён қилинган, 1-сон. Қиёсланг: Lattemore, 209-б.). Шўро русларининг Шаркий Туркистонга суқилиши ва бунга Хитой ҳукуматининг кўз юмиши Япония ва Англия бу мамлакат ишларига аралашиб, миллий озодлик ҳаракатини, айниқса, қўллаб-қувватлашлари ахлоқан тўғри ҳодисадир. Осиёдаги ўз мавқелари хақида бош қотирган кўпгина давлатлар Шаркий Туркистондаги миллий можароларга аралашини истамадилар. Халқларнинг миллий озодлик ҳуқуқига амал қилмас, деб оғиз қўпиртирувчи шўро руслари эса аксинча, миллий мустақилликка қарши қурашда қуч-ғайратларини аямадилар. Шаркий Туркистондаги мавқеини қучайтирмоқ ва у ердаги миллий озодлик ҳаракатини, айниқса, Ғарбий Туркистонга ёйилиб кетишининг олдини олмоқ учун Хитой ҳукуматининг содиқ иттифокчисига айланди. Шаркий Туркистон ҳукумати бор қучи билан миллий мустақиллигини ҳимоя қилаётган бир даврда, давлат раиси Хўжа Ниёз Хожи шўро руслари сиёсий ўйинининг қурбони бўлди. Бу инсон ватанпарвар ва фавқулудда истеъдодли кўмондон эди, аммо у «билимсизлиги учун» обрўсизлантирила бошланганди. 1933 йили Хўжа Ниёз Тошкентга қурол сотиб олиш учун бир хайъат юборди. Шўролар

1200 милтик, 10000 пулемёт етказиб беришга ваъда берди. Бунинг эвазига олдиндан 50 кг олтин олди. Ундан анча олдин 1932 йилнинг бошларида мўгул Жонсин Дўрга бошчилигида шўро руслари Хўжа Ниёзга бир хайъат жўнатиб, Шаркий Туркистон ҳам Ташки Мўгулистон каби бир мустакил давлат бўлиши учун шўролар иттифоки ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Бирок Хўжа Ниёз шўролар билан ҳамкорлик хусусида битим тузишга рози бўлмади. Хайъат максадига ета олмай орқага кайтган эди. Шўролар 1934 йил февралнинг ўрталарида ишончли одамлари воситасида Хўжа Ниёзга «музокаралар олиб бориш учун» Эргаштомга чакирди. Хўжа Ниёз нозирлар кенгашига ҳам хабар бермасдан, шўролар кўли остидаги мазкур ерга борди. Эргаштомдаги музокара ниятда киска бўлди. Хўжа Ниёз олдида имзолаш учун тайёр битим матни кўйилди. Шўро хайъати таркибига кирган Никашов шундай эътироф қилади: «Талабларимизни қабул қиласизми? Сиз битимни имзоламасангиз ҳам биз тезда Шаркий Туркистонда бўламиз. Ҳукуматимиз кўпдан бери Шаркий Туркистон учун миллион-миллион сарфламоқда. Биз Шаркий Туркистонда бир тартиб ўрнатмоқчимиз ва уни кўрикламоқчимиз» (Ярчек - (Хайит), Шаркий Туркистон ва Русия, МТ, 1950, 68-сон, 26-6.). Хўжа Ниёз шартномани имзолади.

Бош нозир Собит Домулла 1934 йил 25 февралда Шўро иттифоки билан ахднома тузилганлигини маълум қилди. 1934 йил 2 мартда 11 нозир ва кўмондонлар иштирокидаги нозирлар кенгаши Собит Домулла бошчилигида тўпланди. Бу тўпланиш кун тартиби: «Хўжа Ниёзнинг Шўро иттифоки билан Эргаштомда шартнома тузишига доир Собит Абдулбокининг билдириши» эди. Кайдномада шундай матн бор: «Собит Абдулбоки «Хўжа Ниёз хожининг бош нозир ва нозирлар кенгашига йўллаган 25 февраль (№308) мактубига биноан англашиладики, Хўжа Ниёз Хожи шўролар иттифоки билан қуйидагича битим тузган:

1. Хўжа Ниёз Хожи бундан буён Нанкин ҳукумати билан алоқани узиб, Шаркий Туркистонни Русия ҳимояси остида ички мустақилликка эга бўлган бир ўлка деб эълон қилади.
2. Шаркий Туркистон мустақиллиги бекор қилиниб, Ислом жумҳурияти тарқатилади ва у (ҳукумат аъзолари) Урумчидаги Шенг ҳукуматида топширилади.
3. Давлат раиси вазифасидан воз кечганидан сўнг Хўжа Ниёз хожи умр бўйи Шаркий Туркистон фуқаролар волиси қилиб тайинланади.
4. Шаркий Туркистон ерларидаги миллий қуролли қучлар Шенг ихтиёрига ўтиши учун хожи қатъий қарарлар қўради.
5. Хўжа Ниёз хожи дунганлар, хўтанликлар, ўзбеклар, қирғизлар ва қозоқларнинг миллий қўшинларини қуролсизлантириш ва Шаркий Туркистонда тартиб ўрнатиш учун манчжур, хитой ва рус аскарларига ёрдам бериши ҳамда Урумчидан бошқа олтита шаҳарга эркин ҳаракат қилиш учун қўмандонлар ва турфонликлардан ташкил топган Махмуд Сижанг қўл остидаги аскарларни Шенг тасарруфига ўтказди.
6. Манчжур аскарларини шўролар иттифокидан Шаркий Туркистонга жўнатиш учун воли Шенг билан Шўро иттифоки орасида аввал тузилган шартнома ўз қучида қолади.
7. Жумҳуриятда хизмат қилаётган хорижий ҳарбий мутахассислар дарҳол ишдан бўшатилиб, Шаркий Туркистондан чиқариб юборилади.
8. Шўро ҳукумати Шаркий Туркистоннинг Ички Хитой (Нанкин), Манчжурия ва бошқа

кучлардан ҳамда эҳтимолдаги ҳар қандай таҳликадан ҳимоя қилишни зиммасига олади.

9. Шўро ҳукумати Шаркий Туркистоннинг тикланиши ва тараққиётига ёрдам беради.

10. Тартиб ўрнатилиши захоти дарҳол низомли ва замонавий бир кўшин тузилади. Бу мақсадда шўро ҳукумати (СССР) ҳарбий хайъат жўнатиб, буйрукка тайёр турган офицерлар (субайлар) тайинланади.

11. Урумчидаги ҳукумат билан (Шенг ҳукумати муаллиф) Шўро иттифоқи орасида сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик борасида алоҳида бир шартнома қайд қилинади.

Нозирлар кенгашининг қарори:

1. Миллатдан қароқат олмасдан Шўро иттифоқи давлати билан, болшевиклар билан Эргаштомда миллат манфаатида зид, гайриқонуний бир аҳднома тузган Хўжа Ниёз Хожининг ҳатти-ҳаракатлари Туркистон туркларига бир ҳиёнат деб қаралсин.

2. Хўжа Ниёз билан Шўро иттифоқи орасида қайд қилинган 12 моддадан иборат битим гайриқонуний деб топилсин.

3. Узок йиллардан сўнг беҳисоб қурбонлар эвазига қўлга қиритилган Шаркий Туркистон миллий мустиқчилигини яна йўққа чиқариш учун қилинган уринишлар Туркистон туркларини гум қилишдан бошқа мақсадга эга эмас. Шу боис Шаркий Туркистон турклари миллий озодчилигини ҳимоя қилиш учун қарқли қурашга қиришга тайёрдир. Хўжа Ниёз Хожини ҳиёнати учун лаънатларга учрасин.

4. Шаркий Туркистон турклари шўро ҳукуматининг ҳуқмончилигини қабул қилишга асло қози бўлмайди. Шунинг учун миллатнинг қорозилиги Қошқардаги рус қонсуллиги орқали Шўро иттифоқи ҳукуматида билдирилсин.

5. Шаркий Туркистонни шўро аскарлари тарафидан ишқол қилиниши миллатлараро қоидаларга ҳилоф ва қизил империализмнинг Шаркий Туркистонга қарши тарихда қисли қўрилмаган бир тажовуздир. Қизил болшевикларнинг гайриқонуний қилмишларини ўз ҳукуматларига етқизишни Қошқардаги барча қонсуллардан илтимос қилинсин.

6. Шўролар Хўжа Ниёз билан тузган мантисиз шартномасидан қойдаланиб, Шаркий Туркистонни босиб олиш ниятидадир. Шу туфайли ташқи ишлар қозирлиги ва бош қўмондон душман тажовузига қарши муқофаа қораларини қўриши лозим.

7. Қозирги таҳдиқали ҳолатда миллатимизнинг барча табақалари сафарбар қилинсин.

8. Қизил болшевиклар ва манчжурларнинг рус ерларидан - Қугучакдан Шаркий Туркистонга қиришини тўхтатиш учун Шарифқонга (Олой ўлкаси ҳуқмдори - муаллиф) тез буйруқ берилиши лозим.

9. 1934 йил 10 мартада Буюқ миллат мажлиси қақирилсин.

10. Хўжа Ниёз ҳожини билан шўро ҳукумати битими юзасидан қозирлар қенгаши қарори буюқ миллат мажлиси муқоқамасига қўйилсин.

11. Агар Хўжа Ниёз ҳожини қозирлар қенгаши ҳохишига бўйсунмаса ва ниятидан қоз қечмагани тақдирда давлат райслиги ва бош қўмондон вазифасидан бўшатилиши масаласи буюқ миллат мажлисига ҳавола қилинади.

12. Хуқуқимизни ҳимоя қилиш учун Нанкинга (Хитой ҳукумати - муаллиф). Японияга ва миллатлараро ташқилотга муқожаат қилинади.

Имзолар:

Бош вазир Собит Абдулқои

Қотиб Сўфизода

Хўжа Ниёзга нозирлар кенгаши кайдномасидан бир нусха берилди. Хукуматнинг қароргоҳи Янги Хисорда эди. Хўжа Ниёз руслар ва хитойлар билан бирлашиб, ҳукуматга қарши кенг кўламда ҳаракат бошлашга қарор қилди. 1934 йил 16 апрелда ҳукумат аъзоларини тутиб, ҳаммасини Кансуда Хитой маъмурларига топширди. Ҳақиқатан ҳам, бир вақтлар миллий озодлик ҳаракатининг ҳақиқий қаҳрамонидан ашаддий ҳоин пайдо бўлди. Давлат раисининг бу ҳаракати Шаркий Туркистон жумхуриятининг аянчли ички фожиаи эди. Давлат раиси ўз авлодларини бўғизларди. Хўжа Ниёз хожининг тутган йўли турклар тарихида мутлақо учрамаган ҳодиса эмасди (Шаркий Туркистоннинг миллий фожиаига доир. Қарор қаами, 30. УТ, 1935, 71-сон, 19 - 25 бетлар (қайднома ва фотонусхаси билан) Мудофаа нозири ва бош кўмондон вакили Султонбек Бахтиёрбек 1934 йил 3 мартда Хўжа Ниёзга йўллаган мактуб номи зикр қилинган манбаининг 26 - 27 саҳифаларидан ўрин олган. Султонбек, жумладан, шундай деб ёзган эди: «Эргаштомдан ҳос одамингиз орқали юборган хатингизни ўқиб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Хўжа Ниёздай одамимиз шундай ишларга қўл уради, деб қим ўйлабди, ёқа ушлайсан киши»). Ҳар қандай раҳбар ҳокимиятнинг энг юқори поғонасига эришгач, атрофидагилар билан ҳисоблашмасдан, ҳар бир масалани шахсан ўзи ҳал қилишга одатланиши тез-тез учраб турадиган ҳолат.

Ҳукумат аъзолари қамоққа олинишидан сўнг ҳам миллий қуроли кучлар қурашни давом эттирди. Шунга қарамай, улар хитойлар, руслар, дунганлар ва генерал Маҳмуд бошчилигидаги Хўжа Ниёзнинг бирлашган ҳдрий кучлари қарбасига бардош бера олмадилар. Шаркий Туркистон жумхурияти ҳукумат аъзоларидан уч нозир ва бир неча таниқли арбоблар қочишга муваффақ бўлди (Шаркий Туркистон жумхуриятидан қочиб улгурганлар орасида қуйидагилар бор: Муҳаммад Қосим ҳожи (ташки ишлар нозири, Покистонга); Султонбек Бахтиёрбек - мудофаа нозири (1960 йилгача Таис - Саудия Арабистонида, кейин Маргилонда); Абдулла Эшон Хўжа Хони - озодлик жаҳияти раиси ва соғлик нозири (асли тошкентлик, Мунаввар Қорининг дўсти. Шўроларга қарши қурашган. 1924 йилда Шаркий Туркистонга келган. Ҳимолай тоғидан ошишда вафот қилди); Қудратиллаҳон - кўмондонлардан бири (асли маргилонлик. Оммонда яшаб, 1960 йилда вафот этди)).

Бош нозир Собит Абдулбоки ва адолат нозири Зариф Қори 1934 йил июлида Оксудда, тижорат нозири Сотиболдихон (1908 йили Маргилонда тугилган) Тошқўргонда қатл қилиндилар. Шаркий Туркистон мустақиллигига қарши қурашда руслар 200000 дан ортиқ мусулмонни ўлдирдилар (Vakar, the Annexion, 1935, 121-бет.). Миллий-сиёсий кучларнинг, хитойликлар қўлидан қанча туркистонликнинг мурдаси ўтганлиги ҳанузгача номаълум қолмоқда. Миллий мустақиллик қаллодлари 1934 йил августидан галаба наҳидасини сурдилар. Хўжа Ниёз Урумчи бош қолиси ёрдамчиси этиб тайинланди. Аммо у 1937 йил майидаги генерал Абдуниёз қўзғолонини қўллагани учун қамоққа олиниши ва 1942 йил апрелида газхонада қатл этилди (Шаркий Туркистон мустақиллигига Хўжа Ниёз ҳожи билан бирга ҳиёнат қилган генерал Маҳмуд Қошгарда хитойлар итоатидаги турк қисмларининг кўмондони эди. Кейинроқ қоммунистлар нуфузига қаршилиқ қўрсатди. Унга уюштирилган муваффақиятсиз суикасддан сўнг 1937 йил апрелида Хиндистонга қочди. Турк қисмининг миллийлик қайфиятидаги субайлари (офицерлари) Абдуниёзни кўмондон қилиб сайладилар. Ушбу турк ҳарбий қисм 1937 йил 17 майда Қошғарни ишғол қилди. Абду Ниёз бу ердан Ёрқентга ҳдм ҳужум қилди ва шу ердаги жангда 1937 йил 15

августда шахид бўлди.).

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан